



# ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2012 йил  
7 ноябрь  
ЧОРШАНБА  
№ 89  
(12.517)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ



## БОҒ ВА ТОКЗОРЛАРДАГИ ЗАРУР ЮМУШЛАР

Боғбон ва соҳибкорлар учун ҳозир мавсумий зарур тадбирларни оби-тобида амалга оширишнинг аниқ долзарб пайти. Мевали дархат ҳамда тоқларни кесиб, тўғри шакл бериш келгуси йил ҳосили учун ҳар томонлама пухта замин яратишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Р. Р. Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик, виночилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида куз-қиш мавсумларида боғ ва тоқзорларга ишлов беришга оид агротехник тадбирларни амалга ошириш, мавсумий парваришlash ҳамда кузги бошоқли дон экинлари навларини тўғри танлаш, жойлаштириш, суғориш ва ўғитлаш мавзусида ташкил этилган ўқув-амали машғулотлар айнан шу мақсадларга қаратилди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги уюштирган ушбу тадбирни ташкил этишда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш

этиш учун майдон тайёрлаш ва экиш схемаси, тоқларни совуқдан асраш ва тоқзорларни қайта тиклаш мавзусларида маърузалар тингладилар. Шунингдек, вилоятларнинг иқлим-тупроқ шароитларига мос бўғдой навлари тавсифи, уларни тўғри танлаш ва жойлаштириш экиш мuddатлари ва метёёлари, очик майдон ва гўза қатор ораларини экишга тайёрлаш ва экиш, суғориш, азотли ўғит бериш мuddати ва метёёлари, барг оркали озиқлантиришнинг ахамияти ҳақида ҳам кенг тушунчалар берилди.

Ўқув-семинар иштирокчилари жойларга чиқиб, боғ ва тоқзорларда, кузги бошоқли дон майдонларида амалий машғулотлар ўтказиб, кўникмаларини янада мустаҳкамладилар. Ўқув курсидан қай даражада қониқиб ҳосил қилганлари ҳақидаги анкета сўровларини тўлдириб, шунинг билан фермерлар ўз таассуротларини, фикр ва мулоҳазаларини баён этдилар. Бундан ташқари, бутун машғулотлар давомида ўзларини қизиқтирган саволларга олим ва мутахассислардан мукаммал жавоблар олишди.

СУРАТДА: Р.Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг ўсмишчилари ҳимоя қилиш бўлими мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзода, доцент Ўткир Набиев (ўнгда) фермерларга ёш мевали дархат шохларини кесиб ва шакл бериш йўл-йўриқларини тушунтирмоқда. Даврон АХМАД олган сурат.

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ

## МАҚСАД – АМАЛИЁТ ВА ҚОНУН УЙҒУНЛИГИГА ЭРИШИШ

Мустақиллик йилларида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонунчилик босқичма-босқич янгилаиб, тақомиллаштириб борилмоқда. Ҳозиргача бу соҳага оид 30 га яқин қонун ва 350 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий

ҳужжатлар қабул қилинди, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳамда фуқароларнинг атроф-муҳитга оид ҳуқуқини кафолатлайдиган ҳалқаро конвенциялар, шартнома ва битимлар имзоланди.

– Табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш, атроф-муҳит муаммоларини ҳал этиш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади, – деди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Аҳад Аҳмедов. – Фан-техника тараққиётининг атроф-муҳитга таъсири натижасида юзага келаётган ноқуш экологик вазиятлар барқарор ривожланиш учун нафақат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий масалалар, балки экологик масалаларга ҳам самарали ечимлар топиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Қарилиши 1,9, ифлосланган оқова сувларнинг ташланishi қарийб 2 баробар камайди. Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш усулига ўтиш ҳисобига пестицидлардан фойдаланиш кейинги ўн йил давомида 5 баробар қисқарди.

Мустақиллик йилларида бу соҳада амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида инфляциянинг мод-даларнинг атмосферага чи-

қарилиши 1,9, ифлосланган оқова сувларнинг ташланishi қарийб 2 баробар камайди. Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш усулига ўтиш ҳисобига пестицидлардан фойдаланиш кейинги ўн йил давомида 5 баробар қисқарди.

узлуксиз инфратузилмасини барпо этиш лозим. Чикиндиларни юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарарли таъсирини камайтириш бўйича тегишли ҳуқуқий базани тақомиллаштириш ҳам энг муҳим вазифадир.

2002 йили Ўзбекистон Республикасининг "Чикиндилар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Унинг асосий вазифаси чикиндиларнинг фуқаролар ҳаётига, атроф-муҳитга таъсирининг олдини олиш ва чикиндиларни камайтиришдан иборатдир.

Шунингдек, Ўзбекистонда БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида чикиндиларни бошқариш бўйича Миллий стратегия ва Ҳарақатлар режаси ишлаб чиқилган. У, аввало, чикиндиларни бошқариш соҳасидаги ҳаракатлар самарасини ошириш, улардан қайта фойдаланиш истиқболларини кенгайтирди.

(Давоми 3-бетда).

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚҲИТАСИ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

## МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИБ...

Республика Хотин-қизлар қўмитаси анжумани олдидан жойларда ўтказилаётган ҳисобот-сайлов конференцияларидан маълумки, аёлларимизнинг ҳаётини яхшилаш бўйича ўрни мустаҳкамлаб, мавқеи ортомқда, шу билан бирга улор зиммасидаги масъулият ҳам гоят кучли. Қайбрий тумани хотин-қизлари фаолиятида ҳам айтишга арзиғулик ютуқлар бисёр.

Энг аввало, фаровонлик омилли бўлган бандлик масаласи доимий диққат-эътиборда. 2007 йилда 1105 та янги иш ўрни яратилган бўлса, 2012 йилга келиб 1752 тага етди. Касаначилик беш йилда 269 тадан 329 тага ошди. Бундан ташқари "Хунармандлар уюшмаси" ва "Тадбиркор аёл уюшмаси" фаолияти қўл келмаётганини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида хотин-қизлар бандлиги ижобий ҳал этилмоқда. Тадбиркорлар учун 2007 йилда 442 млн. 991 минг сўм, 2012 йилга келиб 1 миллиард 10 млн. 139 минг сўм кредит берилди.

– Туман хотин-қизлар қўмитаси умумхалқ манфаатларини қўзғовчи бир қатор фармон ва қарорлар ижро-

## КОМБИНАТНИНГ ЎСИШ СУРЪАТИ

Ўзбекистон Металлургия комбинатида жорий йилнинг тўққиз ойида ўтган йил шу даврга нисбатан ўсиш суръати пўлат эритишда 100,6, прокат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 100,4, шу жумладан пўлат золдирлар тайёрлашда 109,3 фоизни ташкил этди. Сирланган идишлар ишлаб чиқаришда ўсиш суръати 108,9 фоизга етди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

## МАЪНАВИЯТ

XXI асрга келиб "аср вабоси" деб аталаётган гиёҳвандлик дунё ҳамжамиятига глобал муаммолардан бирига айланган. У инсоният ҳаётига, жамият тараққиётига пўтр етказувчи иллат бўлиб, гиёҳвандлик воситаларига руҳий-жисмоний қарамлик билан боғлиқ касаллик ҳисобланади.

## АСР ВАБОСИ

Аслида, гиёҳвандлик воситалари қадим замонлардан бери маълум. Осие мамлакатларида кўкнори ўсимлиги азалдан етиштирилган ва асосан, табобатда қўлланган. Кока тропик ўсимлигининг сармаст қилувчи таъсирини Колумбия хиндулари бундан беш минг йил аввал ҳам яхши билишган. Бироқ, бу ўсимлик ўша пайтларда ер юзи аҳолисининг асариятига таниш бўлмаган бўлса, иккинчи томондан, уларнинг ҳозиргидек кучли таъсир қилувчи хилма-хил турлари мавжуд эмас эди. Кейинчалик бу соҳадаги "изланиш"лар туфайли гербион, олий, гашиш, марихуана, кўкнори каби наркотик моддалар кашф қилинди. Утган асрнинг 70-80-йилларида гиёҳвандлик шу турдаги ўсимликлар етиштирилган минтақаларга ҳос бўлса, ҳозирги вақтга келиб бу муаммо кўпгина шаҳар ва аҳоли пунктларини қамраб олди. Умумжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда бугунги кунда ер юзи аҳолисининг 3 фоизи яъни 210 миллион киши гиёҳвандликка чалинган. Ҳар йили 100000 киши у туфайли ҳаётдан кўз юмади. Гиёҳвандликка

чилиланларнинг аксарияти 18-35 ёшда. Наркотик воситалар шу қадар кучли таъсирга эгаки, уни атиги бир бор истеъмол қилиш натижасидаёқ инсон бу оғунинг қулга айлиниши, оғир касалликларга чалиниши мумкин.

Бугун деярли барча мамлакатларда гиёҳвандликнинг воғга етмаган ёшлар ва хатто аёллар орасида ҳам тарқалаётгани дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Гиёҳвандлик моддалари таъсирига тушишда энг хавфли босқич – 12 ёшдан 19 ёшгача бўлган давр ҳисобланади. Ёшларнинг наркотик ва психотроп моддаларни татиб кўришларига дастлаб "бекорчилик", "буш вақтнинг кўплиги" ва "зерикиш" туртки бўлмоқда. Ёшлар орасида гиёҳвандликнинг кенг тарқалиши наркотикизи билан шуғулланувчилар учун кўл келмоқда. Усирилари гиёҳвандлик воситаларини сотишга жалб қилишнинг муайян руҳий асослари бор. Ёшни, улар ишонувчан ва гиёҳвандлик воситаларини сотувчи сифатида кўп эътиборни жалб қилаётди.

(Давоми 2-бетда).

## ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

## ЮЛДУЗЛАР СЎНМАЙДИ

Болалиқдан қулоғимизга қуйишганки, агар осмонда бирдан юлдуз чарақлаб кетса, бу – табиий зарурат. Коинотнинг бошқа барча қонуниятлари қатори ушбу ҳолдан ҳам қандайдир таъсир вужудга келади. Унинг қулоғимизга нуктаси ижодийдир. Ижодиёт эса худди илҳом каби ақл бовар қилмас воқелиқдир. Биз ушбу ижодиёт маҳсулини кўраимиз, аммо бу "абдийлик, гўзаллик ва нафосат нафаси" бўлса, уни қандай ўлчаш мумкин?

Гўзаллик учур ўй-фикр, ёрқин тасаввур, коинот сирлилигига дахлдорликдан яралади. Илҳом узок ўтмишдан қолган турли хайкаллар, деворларга чизилган сурафлар, кўна китобларнинг зарфарон саҳифалари ва йўл бўйлариди қаққайган қари дархатларда макон топган. Инсоният она Замин қўйнида яратган барча ноз-неъматларда меҳр-муҳаббат мумжасам. Энг катта, энг қийматли мулк, бойлик шу – ерга меҳр-муҳаббат.

Бустонликда тарихий ва ўтмишдан ёдгорлик масканлар кўп. Туман турли археологик ёдгорликларга, муқаддас қадамжоларга жуда бой. Янги-янги диққатга сазовор жойлар бисёр. Чорқоқдан Октошга элтувчи эски йўл бўйида жойлашган Чимбой мазар қишлоғида археологлар бир вақтлар анчагина кўна ёдгорликлар борлигини аниқлаб, белгилаб қуйишган. Шулардан энг

## ТАДБИРКОР ҲИМОЯДА

Пойтахтимизда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонуний орашлаганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Ақлия вазирлиги, Бош прокуратура ҳамда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш масаласи атрофида муҳокама қилинди.

Тадбирда назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишлар сони тубдан қисқартирилгани, топирилган ҳисобот турлари камайтирилганини аниқ мисоллар орқали таҳлил этилди. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиб ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилгани таъкидланди.

Шу йилнинг 11 сентябрь кунини "Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда араалашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги ҳуқуқий ҳимоя тизимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Анжуманда, мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида тадбиркорларга батафсил маълумот берилди.

Чимбойликтепа яқинида қулоқли болта, тўрт қиррали бизиг, япалоқ шаклда ясалган пичок, шунингдек, вазни 580 граммли қуйма бронза буюмлар буюмлар эраимиздан аввалги III ва II асрларда ясалганини таҳмин қилдилар. Ушбу тарихий топилмалар Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланмоқда.

(Давоми 4-бетда).

Алиёр ОРИПОВ,  
"Туркистон-пресс".

## Ақлия вазирининг буйруғи билан фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларининг янги шакллари ва уларни тўлдириб бўйича қоидалар тасдиқланди.

Шу муносабат билан 2013 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ақлия вазирининг "Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириб бўйича қоидаларни тасдиқлаш

## ФҲАЁДАГИ ЯНГИ ТАРТИБЛАР

тўғрисида"ги ва "Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириб бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруққа ўзгартириш киритиш ҳақида"ги буйруқлари ўз кучини йўқотди.

Шу кунгача юритилган тузилган

янги қоидаларига кўра, далолатнома ёзувлари давлат тилида фақат лотинча ҳарфлар билан киритилади. Бунда ёзувлар ҳаво ранг пастали шарикли рўчқада қайд этилиши шарт. Қоидалар 2012 йил 2 ноябрдан кучга кирди.

"Туркистон-пресс".



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Айни пайтда чиқиндиларни жойлаштириш устидан назорат олиб борилаётганига қарамай, қонунобузилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Жумладан, фуқаро ва мансабдор шахслар чиқиндиларни ноқонуний жойлаштиргани учун 2009 йили 84,7 миллион сўм, 2010 йили 136,6 миллион сўм, 2011 йили 192,4 миллион сўм миқдорда жаримага тортилди.

ЗАРРАСИЗЛАНТИРИШНИНГ АХОЛИ ҚАНДАЙ?

Бизда ҳар миллион тонна маиший чиқиндининг 360 минг тоннаси озиқ-овқат, 160 минг тоннаси қозғ ва қартон, 55 минг тоннаси тўқимачилик маҳсулотлари, 45 минг тоннаси пластмасса ва бошқа чиқиндилар. Улардан қайта ишлашга керак бўладиган фойдали компонентларни ажратиб олиш мумкин. Афсуски, бу чиқиндиларнинг асосий қисми сараланмайди, қайта ишланмайди. Натijaда, бугунги кунда тахминан 12 минг гектар майдонни эгаллаган чиқиндиларга 2 миллиард тоннага яқин саноат, қурилиш ва маиший чиқиндилар сақланмоқда.

Кўриниб турибдики, шаҳар ва қишлоқларни чиқиндилардан тозалаш турли масаласи долзарб бўлиб қоляпти. Аввало, махсус автомобиллар еттишмайди, борлари эскирган, қорхоналар ва аҳоли чиқиндиларни мўлжалланмаган худудларга ташлайди. Чиқиндилар тартибсиз кўпайиб, уларни йўқ қилиш эса катта молиявий маблағ талаб этади. Умуман, чиқиндиларни йиғиш, ташвиш, ажратиш ва қайта ишлаш инфратузилмасининг мукамал тизими йўқ.

ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНГАН САРИ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ҲАҚИДА

Кўнунларимиз давр талаблари асосида тўлдирилди, тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиб борилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

моқда. "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонуннинг 9- ва 10-моддаларида "маиший чиқиндилар" ва "ишлаб чиқариш чиқиндилари" тўғрисида фикр юритилган, лекин "маиший чиқиндилар" ва "ишлаб чиқариш чиқиндилари" тушунчалари бирон моддада таърифланмаган. Шу сабабли, асосий тушунчалар тўғрисидаги 2-модда "ишлаб чиқариш чиқиндилари" ва "маиший чиқиндилар" тушунчалари билан тўлдирилмоқда. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги вако-

қўшимчалар киритилмоқда. Яъни, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг чиқинди билан боғлиқ ваколатлари тўғрисидаги 7-моддасини ишлаб чиқариш чиқиндилари устидан мониторинг олиб бориш, чиқинди билан боғлиқ ишлар мониторингини натижаларини умумлаштириш, давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаб киритиш тўғрисидаги норма билан тўлдирishi тавсия қилинмоқда.

Кўнуннинг 24-моддасини "Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги фаолиятни рағбатлантириш" деб ўзгариштириш тақдирини киритилмоқда. Чунки, ушбу моддада фаолиятни айна чикинди билан боғлиқ юридик ва жисмоний шахсларга солиқ, кредит ва ўзга имтиёзлар бериши назарда тутичи рағбатлантирувчи нормалар киритилмоқда.

Чиқиндиларни утилизация қилиш ва уларнинг ҳосил бўлишини камайтиришга чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эгалиги боис, 25-модда матни "чет эл инвестициялари" сўзлари билан тўлдирилмоқда.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси 1995 йилда қўшилган "Хаффи чиқиндиларни трансчегаравий ташвиш ва уларни йўқ қилишнинг назорат қилиш тўғрисида"ги Базель Конвенцияси, қатор соқит ибтифоқ республикаларининг соҳага оид қонун ҳужжатлари ўрганиб чиқилди. Бундан ташқари, АКШ, Германия, Япония, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларнинг ушбу соҳадаги қонунчилиги таҳлил қилинди.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнида ҳосил бўлаётган чиқиндиларни камайтириш, улардан хўжалик фаолиятида қайта фойдаланиш, салбий таъсирини камайтириш ва шу орқали атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш ҳамда табиий ресурсларнинг тежаллишига, шунингдек, аҳоли соғлиги ва генотипини асраб-авайлашга, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига замин яратди.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Жўра Саъдуллаев суҳбатлашди.

ТАРАҚҚИЁТДА ДЕПУТАТ ЎРНИ

Бу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда маҳаллий кенгашлардаги сиёсий партия депутатлик гуруҳларининг қуйидаги ҳуқуқлари белгиланган:

- сессия кун тартибининг таъини олиш ҳақида широк эътибор;
- кун тартибидеги ҳар бир масала бўйича музокараларда гуруҳ вакилига қаролатилган сўз бериш;
- давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳокимлик раҳбарларига, ҳокимликлар бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек, тегишли Халқ депутатлари Кенгаши ҳудудда жойлашган қорхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларига сўровлар билан муносабат этиш;
- тегишли вакиллик органи комиссиялари раислигига номзодлар бўйича тақлифлар киритиш;
- тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ёки Халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида муҳокама қилинаётган масала бўйича партия гуруҳининг фикрини депутатлар орасида тарқатиш;
- Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокими лавозимига

тасдиқланган шахсларнинг қонирасиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган ҳулосалар тақдим этиш ташаббуси;

- давлат ҳокимияти тегишли вакиллик органларининг депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазибаларни амалга ошириш.
"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Мувофиқ Халқ депутатлари Кенгаши сессияси муҳокама қилинаётган масала бўйича партия гуруҳининг фикрини депутатлар орасида тарқатиш.
Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги "Ёшлар сессияси" ва соғлом авлодни

тарбиялаш масалалари" бўйича доимий комиссияси 2011-2012 йиллар давомида республика Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг ижроси юзасидан ҚВПларнинг замонавий медицина анжомлари билан таъминланганлик даражаси, аёллар репродуктив саломатлигини сақлаш, спорт комплекслари ва болалар ёзи оромгоҳларининг фаолияти каби масалаларни ўрганиб, доимий комиссиянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Институтимиз олиб бораётган тизимий мониторинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларини чакорири, Халқ депутатлари Кенгашининг қарорлари ҳаётга татбиқ этилишига кўмаклашиш, ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга ошириш учун Халқ депутатлари Кенгаши ўз ваколатлари мундтаги депутатлар орасида кенгашнинг доимий комиссияларини сайлайди.
Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги "Ёшлар сессияси" ва соғлом авлодни

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда, сиёсий партиялар, тегишли Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги депутатлар гуруҳи орқали маҳаллий кенгашлари ва доимий комиссиялар фаолиятини янада мониторинг қилиш, депутатлик сўрови институти тамойиллари самарасини ўрганиш вилоят, шаҳар, туман кенгашлари сессиялари ва доимий комиссиялар фаолиятини янада жонлантириш борасида аниқ ва конструктив тақлифлар ишлаб чиқиш мақсада мувофиқдор Доимий комиссия ўрганган долзарб муаммоларни сессиялар кун тартибига киритиш ва муҳокама қилиш тегишли Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар фаолияти самараси ва таъсирчанлиги ошишига хизмат қилди.

Б. ҲИҚМАТОВ, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят худудий бўлимаси раҳбари.
В. ХОЛБЎТАЕВ, вилоят худудий бўлимаси бош мутахассиси.

МАҚСАД — АМАЛИЁТ ВА ҚОНУН УЙҒУНЛИГИГА ЭРИШИШ

латлари тиббий ва биологик чиқиндиларга оид вазибалар билан тўлдирилаётгани сабабли Қонуннинг 2-моддасига шундай тушунчалар киритилмоқда.

Шунингдек, Қонуннинг 2-моддаси тўртинчи ва бешинчи хатбошилари "турларга ажратиш" ва "йўқ қилиш" сўзлари билан тўлдирилмоқда.

Республика Президентининг "Ўзкоммунхизмат" агентлиги фаолиятини тақомиллаштириш ва коммунал-хўжалик қорхоналарини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ агентликнинг чиқинди билан шуғуланиш соҳасидаги ваколатлари тугатилганлиги сабабли "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонуннинг 6- ва 9-моддаларига ўзгариш киритиш, шу муносабат билан "Ўзкоммунхизмат" агентлиги ваколатларини Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бериш тақлиф этилмоқда. Шу мақсадда "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонуннинг 7- ва 11-моддаларига ўзгариш ва

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг чиқинди билан боғлиқ ваколатлари тўғрисидаги 8-моддасини тиббий ва биологик чиқиндиларни йўқ қилиш ёки кўмиб ташлаш бўйича норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш, шунингдек, тиббий ва биологик чиқиндилар устидан мониторинг олиб бориш вазибалари билан тўлдирishi тақлиф этилмоқда. Вазириликка бу ваколатларнинг берилиши хаффи чиқиндиларнинг фуқаролар соғлиги, атроф-муҳитга ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига таъсирининг олдини олишга хизмат қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг чиқинди билан боғлиқ ваколатлари тўғрисидаги 11-моддани чиқинди билан боғлиқ ишларни молиялаштириш манбаини белгилаш, маиший чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, уларни тўплаш, ажратиш, сақлаш, ташвиш, кўмиб ташлаш, қайта ишлаш, утилизация ва реализация қилиш мониторингини ўрнатиш, шу ишларни амалга ошириш қорхоналарини ташкил этишга кўмаклашиш вазибалари

ЛОНДОНДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида "World Travel Market - 2012" халқаро сайёҳлик кўргазмаси ўз ишини бошлади. Мазкур кўргазмада Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти ҳам кенг намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадимликлари кўпчилиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олган. Мамлакатимизда тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси дурдоналари рўйхатида киритилган. Мамлакатимизда сайёҳларнинг қизиқиш ва талабларига жавоб берадиган шарт-шароит мавжуд, соҳа йўналишлари тобора кенгайиб боради. Жумладан, сайёҳликнинг тарихий-меморий, сафар, спорт, рафтинг, экотуризм, археологик, фольклор-этнографик, агротуризм, соғломлаштириш, маданий ва маърифий каби турлари изчил ривожланмоқда. Мамлакатимиздаги мустақам тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, дунёга маш-

хур ўзбекона меҳмондўстлик юртимизга қалаётган сайёҳлар оқимини янада кўпайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатимизда сайёҳлик соҳасининг ҳуқуқий асосларини изчил мустақамлаб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори туризм ва туристик инфратузилмани ривожлантиришнинг янада кўллаб-қувватлаш, миллий туристик зиммаларни халқаро сайёҳлик бозорларига фаол интеграциялашга хизмат қилади. Ўзбекистон дунёнинг кўллаб мамлакатларида сайёҳлик соҳаси-

да ўтказиладиган нуфузли халқаро кўргазма, ярмарка ва фестивалларнинг фаол иштирокчиси бўлди. "Ўзбектуризм" миллий компанияси мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини жаҳонга таништиришда дунёнинг кўллаб давлатларидаги компаниялар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўзида Испания, Германия, Россия, Франция, Япония, Италия, Туркия, Латвия каби мамлакатларда ўтказилган сайёҳлик ярмарка ва кўргазмаларида мамлакатимизнинг туристик имкониятлари кенг намойиш этилди. Буюк Британияда ўтказилаётган сайёҳлик кўргазмаси ҳам Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятини тўла намойиш этиш учун яна бир қулай имконият яратди. "World Travel Market - 2012" дунёдаги нуфузли халқаро кўргазмалардан бири ҳисобланади. Ушбу кўргазмада икки юзга яқин мамлакатдан беш ярим мингга яқин сайёҳлик фирма ва компаниялар, йигирма уч мингдан зиёд соҳа ва-

киллари, эксперт ва олимлар иштирок этмоқда. Мазкур тадбир сайёҳлик саноатининг барча замонавий йўналишларини ўзида муҷаммас этган. Унда бизнес, экзотика, экологик, спорт, круз, меҳмонхона ва ресторан сервиси, инновациялар ва замонавий технологиялар, соғломлаштириш, онлайн саёҳат, авиаташув каби йўналишларга оид ўнлаб турдаги бўлимлар ишлаб турибди. Лондонда ўтказилаётган туризм форумида Ўзбекистон миллий стандарти бетақор дизайни билан кўргазма иштирокчилари ва меҳмонлари эътиборини жалб қилмоқда. Унда ёрқин миллий матола, мамлакатимизнинг гўзал масканлари тасвирлари, тарихий обидалар ёрдамида юртимизга хос муҳит яратилган. Ўзбекистоннинг қадимий ва нақвирон шаҳарлари, диққатга сазовор жойлари ҳақидаги маълумотлар ва суратларни ўз ичига олган альбомлар, турли буклет ва нашрлар сайёҳлик ярмаркаси иштирокчилари эътиборига

ҳавола этилмоқда. "World Travel Market - 2012" халқаро сайёҳлик кўргазмасида мамлакатимизнинг "Ўзбектуризм", "Ўзбекистон ҳаво йўллари", "Ўзбекистон темир йўллари", "Afsona Travel", "Orient Voyage", "Megatour", "Asiatour" ва бошқа компания ҳамда фирмалари иштирок этаётди. "Ўзбектуризм" компаниясидан маълум қилишларича, ушбу халқаро кўргазма жаҳон жамоатчилигини мамлакатимиз сайёҳлик саноати имкониятлари билан кенг таништириш, хорижий сайёҳлик компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустақамлаш, икки ва кўп томонлама манфаатли шартномалар тузиш, туристик бизнесп ривожининг замонавий тенденцияларини аниқлаш, жаҳон сайёҳлик бозоридеги янгиликлар ва ўзгаришлар билан яқиндан танишиш, бу борада ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини бермоқда. Нодира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Савдога Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда: 1. № 7272-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Аваз Утар кўчасида жойлашган кўчмас мулк. Бошланғич баҳоси - 485 000 000 сўм. 2. № 7272-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А. Темур кўчаси, 11-уй манзилда жойлашган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 50 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 22 ноябрь кунни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: 3. 02.12.2011 й. № 35515/12-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, У. Махмудов кўчаси, 95-уй. Бошланғич баҳоси - 41 250 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 7 декабрь кунни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2012 йил 7 декабрь кунни савдога сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан тақрорий савдо 2012 йил 24 декабрь кунни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мунддати: 2012 йил 26 ноябрь кунни соат 18:00.

"КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ" МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган очик аукцион савдоларида тақлиф этади! Аукцион савдосига Янгийўл туман СИБ томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 2012 йил 12 июндаги 11-1224/4591-сонли ижро варақасига асосан, "ФАРАЗ ЛТД" қўшма қорхонасига тегишли Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Р. Назирова кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3523,25 кв. м. бўлган, таъмирталаб, қаровисиз ҳолда қолган маъмурий бино, 2 та омборхона, бостирма, қоровулхонадан иборат кўчмас мулк бино-иншоотлари тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 418 402 260 сўм. Аукцион савдолари 2012 йил 28 ноябрь кунни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мунддати: 2012 йил 26 ноябрь кунни соат 18:00. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

"Respublika mulk markazi" ЁАЖ Toshkent mintaqaviy filiali бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент вилояти Оҳангарон тумани "Янги Ангрэн ИЭС" ОАЖнинг 31.07.2012 йилдаги 12/227 сонли фармойиши ва 31.10.2012 йилдаги 23/4089-сонли хатига асосан, Оҳангарон тумани "Янги Ангрэн ИЭС" ОАЖ бўлимига тегишли Оҳангарон тумани Нурубод қўргўни "Янги Ангрэн ИЭС" ОАЖ қорхонаси манзилда сақланаётган, "Газ 330210" русумли, д/р 11 AD 009 бўлган, 1995 йилда и/ч., техник носоз ҳолдаги автотранспорт воситаси тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 13 595 068 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 23 ноябрь кунни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосига иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мунддати: 2012 йил 21 ноябрь кунни соат 18:00. Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 23 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақрорий аукцион савдолари 2012 йил 30 ноябрь кунни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Тақрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мунддати: 2012 йил 28 ноябрь кунни соат 18:00; Савдо фолиби деб топилган шахсга 10 иш кунни ичида сотувчи билан олдидан савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Respublika mulk markazi" ЁАЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" ОАИЖ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО 01036, СТИР 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Амир Темур шўҳқчаси, 19-уй. Тел.: (8-371) 233-49-31. Расмий сайтимиз: www.mtm.uz. Гувоҳнома: 006231.

Шайхонтоҳур тумани ТРСҮЙ томонидан рўйхатга олинган "ALBA MASTER" маъмулияти чекланган жамиятининг устав фонди 220 220 000 сўмдан 3 000 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади. Утерьяннуо гувоҳнома серия ТА № 50929 от 23.06.2010г. приложение к кадастру недвижимости, расположенное по адресу: проспект Бунёдор, 2, выданную ГРУ-30иК г. Ташкента на ООО "EFFECTIVE BUSINESS LINE". СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ. Утерьянний аттестат У № 3448261, выданное в 2008 году школой № 121 М. Улугбекского района г. Ташкента на имя Хатамова Мирзо Улугбека Азимжоновича. СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент Ирригация мелiorация институти томонидан 1992 йилда Матназаров Мақсуд Разақович номига берилган ФВ № 946542 (рег. № 39930) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Олмалик тиббиёт ўқув юрти томонидан 2003 йилда Курбанова Севара Толкинаевна номига берилган Т № 144303 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Яккасарой тумани ТРСҮЙ томонидан 2011 йил 5 апрелдаги 005930-11-сонли тартиб рақами билан рўйхатга олинган (СТИР 301935299) "AGRO SHINA SERVICES" МЧЖнинг устав фонди 153 194 000 (бир юз эллик уч миллион бир юз тўқсон тўрт минг) сўмдан 102 719 000 (бир юз икки миллион етти юз ўн тўққиз минг) сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Тошкент вилояти Ангрэн шаҳри ТРСҮЙ томонидан 08.07.2011 йилда 000257 гувоҳнома рақами билан рўйхатдан ўтган яқна тартибдаги тадбиркор (ИНН 602064124) "Шукур Муро Абдукаримович" номига берилган бир донга думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари харакатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан 06.07.2012 йилда "TOSHKENT TAKSI TEX SERVICES" МЧЖга тегишли АТ № 00559400 рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Олмазор тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан 27.12.2011 йилда 0902822 гувоҳнома рақами билан рўйхатдан ўтган яқна тартибдаги тадбиркор (ИНН 502332441) "Базаров Абдуқадир Камитович" номига берилган бир донга думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Утерьяннео свидетелство о государственной регистрации юридического лица, выданное в 2004 году отделом инспекции по регистрации субъектов предпринимательства Мирзо-Улугбекского района г. Ташкента на имя "Чеченое научно-производственное объединение "Ноғрон Меҳнат" - Ўзбекистонга Хизмат", СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари харакатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан 06.07.2012 йилда "TOSHKENT TAKSI TEX SERVICES" МЧЖга тегишли АТ № 00559400 рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Олмазор тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан 27.12.2011 йилда 0902822 гувоҳнома рақами билан рўйхатдан ўтган яқна тартибдаги тадбиркор (ИНН 502332441) "Базаров Абдуқадир Камитович" номига берилган бир донга думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Утерьяннео свидетелство о государственной регистрации юридического лица, выданное в 2004 году отделом инспекции по регистрации субъектов предпринимательства Мирзо-Улугбекского района г. Ташкента на имя "Чеченое научно-производственное объединение "Ноғрон Меҳнат" - Ўзбекистонга Хизмат", СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.

